




# ASR



ЎЗБЕКИСТОН  
СИЙОСИЙ  
ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

E-mail:  
axborotXXIasr@yahoo.com,  
XXI\_asr@yahoo.com

TADBIRKORLAR VA  
ISHBILARMONLAR  
HARAKATI —  
O'ZBEKISTON  
LIBERAL-  
DEMOKRATIK  
PARTIYASI NASHRI



ЙИЛ ДАВОМИДА 2009 ЙИЛГИ  
МАВСУМГА НИСБАТАН 14,3 ФОНЗ  
КЎП — 2 МИЛЛИОН 160 МИНГ  
ЙЎЛОВЧИНИ ЎЗ МАНЗИЛИГА  
ЕТКАЗГАН КОМПАНИЯ БИТТА  
РЕЙСДАГИ ЎРТАЧА ЙЎЛОВЧИЛАР  
СОНИНИ 78 НАФАРДАН  
92 НАФАРГА ЕТКАЗА ОЛДИ



«ТУРОНБАНК»  
КИЧИК БИЗНЕС  
СУБЪЕКТЛАРИГА  
1 МЛРД. 337 МЛН.  
700 МИНГ СЎМЛИК  
УЗОҚ МУДДАТЛИ  
КРЕДИТЛАР БЕРДИ




ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМФАРМАСИ  
ВА ЖАҲОН МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ  
МУТАХАССИСЛАРИНИНГ  
ФИКРИЧА, ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ-  
ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИК КЕЙИНГИ  
ЙИЛЛАРДА 30 МИЛЛИОН  
КИШИНИ ДОИМИЙ ИШ ЎРНИДАН  
МАҲРУМ ЭТГАН

2011 йил 3 февраль, пайшанба  
05 (377)-сон

02 МУНОСАБАТ

06 МОЛИЯ



07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ✓ АНОНС

### ТУРИЗМ ЎЗБЕКИСТОННИ ЖАҲОНГА ТАНИТМОҚДА


Бугун Бухоро шаҳрида жами 53  
та замонавий меҳмонхона  
фаолият юритаяпти. Уларнинг  
47 таси хусусий, 5 таси  
хорижий ҳамкорлар  
иштирокида бунёд этилган.

»04

### АЁЛ БАХТИЁРМИ, ДЕМАК, ЮРТ ФАРОВОН

«Аёллар қаноти» бўлими  
қўмағида 2010 йилда 111 та янги  
иш ўрни яратилди. Партия  
аъзоси, «Аёзқалъа тур» хусусий  
корхонаси раҳбари Дилбар  
Каримбердиева ҳам ўзи ташкил  
этган «Аёзқалъа» тарихий  
музейи атрофида сайёҳлар  
учун барча қулайликларга эга  
шинам меҳмонхонани ишга  
тушириш арафасида.

»05



### ҚАНДАЙ НАТИЖА КУТИЛГАН ЭДИ-Ю, НИМАЛАРГА ЭРИШИЛДИ?

Ўтган ҳафтада Катар пойтахти  
— Доҳада футбол бўйича XV  
Осиё кубоги беллашуварига  
яқун ясалди.

»08

## ✓ Бугунги сонда:

### ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

ЮРТБОШИМИЗ ТАЪКИДЛАГАНЛАРИДЕК,  
БУГУН ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАН АНА  
ШУНДАЙ НАТИЖАЛАР БИЛАН  
КИФОЯЛНИ ҚОЛМАЙ, БУНДАН КЕЙИН  
БОШҚА СОҲАЛАР ҚАТОРИ АХБОРОТ  
СОҲАСИНИ ҲАМ ИСЛОҲ ҚИЛИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, СЎЗ  
ВА АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ИЗЧИЛ ИШЛАР  
ОЛИБ БОРИШИМИЗ ТАЛАБ  
ЭТИЛМОҚДА.

02»



Истиқлол йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Бу, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларида яққол намоён бўлди. Бунда перинатал марказлар тармоғининг жадал ривожлантирилиши ҳам амалий қўмак берди. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та ана шундай марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди. 245 ўринга мўлжалланган пойтахтимиздаги ягона Перинатал марказда 12 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. Бу ердаги консультатив поликлиникада бир кунда 300 нафар мижозга тиббий хизмат кўрсатилади. Ўтган йили 13 минг 41 нафар аёлга ана шундай сифатли хизмат кўрсатилиши натижасида 5 минг 198 нафар соғлом болакайлар дунёга келди. 469 нафар кам вазили, муддатидан олдин тутилган чақалоқлар парвариланди. Шунингдек, 62955 нафар аёлга консультатив-диагностик хизмат кўрсатилди. Марказ томонидан маҳаллаларда репродуктив саломатлик, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибати, тузма ногиронлиқнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилиб келинмоқда.

### Халқимизнинг келажакка бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда

МАМЛАКАТИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА  
ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА  
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШINI, ЎТГАН 2010 ЙИЛДА БУ  
БОРАДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙДИ?  
«ИЖТИМОЙ ФИКР» ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ,  
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН 2010 ЙИЛ 12  
НОЯБРДА БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА  
МАЖЛИСИДА БАЁН ЭТИЛГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА  
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН  
ҚОЛДА, ИЖТИМОЙ ТАДҚИКОТ ЎТКАЗДИ

«Ўзбекистон: ижтимоий  
фикр-2010» сўровида аҳоли-  
нинг барча қатламлари вакил-  
лари, яъни шаҳар ва қишлоқ-  
лар аҳолиси, турли маълумот-  
га эга, турли ёш ва миллатга  
мансуб эркеклар ҳамда хотин-  
қизлар иштирок этгани олин-  
ган натижаларнинг юқори да-  
ражада ишончли бўлишини  
таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислам Каримов  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси ва Сенатининг қўшма  
мажлисидаги маърузасида  
мамлакатимизни ислоҳ этиш  
ва демократлаштириш жараё-  
ни ҳеч қачон ортга қайтмай-  
диган, қатъий ва изчил тус  
олгани, одамларимиз ўзгариб,  
уларнинг сиёсий ва фуқаролик  
фаоллиги ошаётгани, онгу та-  
факкури юксалиб, ён-атроф-  
да бўлаётган барча воқеа-ҳоди-  
саларга дахлдорлик туйғуси,  
эртанги кунга ишончи мустаҳ-  
камланиб бораётганини таъ-

кидлади.  
Ўтказилган сўров булар-  
нинг ҳаммасини яна бир бор  
яққол тасдиқлади. Президентим-  
из раҳнамолигида амалга  
ошириб келинаётган кенг  
кўламли демократик ислохот-  
лар жамоатчилик фикрини  
тубдан ўзгариштириш, аҳолининг  
ҳуқуқий маданиятини оши-  
риш, инсон ҳуқуқ ва манфа-  
атларини тўлиқ таъминлаш  
учун барча шарт-шароитларни  
яратиш, фуқаролар фаровон-  
лигининг юксалишига хизмат  
қилмоқда.  
Сўров Ўзбекистонда истиқ-  
лол йилларида эришилган  
ютуқлар, унинг ички ва ташқи  
сиёсат йўли жамиятимиз томо-  
нидан тўлиқ қўллаб-қувватла-  
наётганини аниқ кўрсатди.  
Масалан, фуқароларнинг ак-  
сарияти (93,8 фоизи) мамла-  
катимиздаги ижтимоий-иқти-  
содий аҳволни «яхши ва барқ-  
арор» деб баҳолади.

2»

### Иш ўрни 120 тага ортади

«Жондор Мега —  
текстиль» МЧЖ ўз  
фаолиятини бошлаганига  
атиги 2 йил бўлди.  
Корхона ана шу қисқа  
вақт ичида ички бозорда  
мустаҳкам ўрин эгаллай  
олганидан ташқари 1 млн.  
200 минг АҚШ доллари  
миқдоридagi маҳсулотни  
экспорт қилишга ҳам  
эришди. Жами ишлаб  
чиқариш ҳажми эса 2  
млрд. сўмга етказилди.  
Айни пайтда корхонадаги  
80 нафар ишчи-хизматчи  
бўз тўқини  
мўлжалланган 57 та,  
замонавий сочқилар  
тайёрланадиган 50 та  
дастгоҳ қувватидан  
унумли фойдаланмоқда.  
Асосий хом ашё  
ҳисобланган ип-калава  
эса «Навоий Навбахор  
текстиль» Ўзбекистон-  
Туркия қўшма  
корхонасидан етказиб  
берилаёпти. Яқинда  
корхонанинг ўз  
маблаглари ҳисобидан  
яна 20 та замонавий  
дастгоҳ харид қилинди.  
Жондорлик тўқувчилар  
ишлаб чиқариш  
қувватларини янада  
кенгайтириб, жорий  
йилда иш ўринларини  
камида 200 тага  
етказишни  
мўлжалламоқдалар.

### Сарҳисоб ва режалар

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ  
2010 ЙИЛДА ВИЛОЯТНИ ИЖТИМОЙ-  
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ  
ВА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ШУ ЙИЛ 21 ЯНВАРДА  
БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА  
БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР  
ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ  
МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ. ЙИГИЛИШНИ  
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ А.УСМОНОВ  
БОШҚАРДИ

Президентимиз Ислам  
Каримов раҳнамолигида  
амалга оширилаётган туб  
ислохотлар жараёнида Ан-  
дижон вилоятида ҳам иқти-  
содийнинг етакчи тармоқ-  
ларини модернизация  
қилиш, техник ва техноло-  
гик янгилаш, ишлаб чиқа-  
риш ва бозор инфратузил-

маларини такомиллашти-  
риш, кичик бизнес ва хусу-  
сий тадбиркорликни қўллаб-  
қувватлаш, хизмат кўрсатиш  
ва сервис соҳасини ривож-  
лантиришга қаратилган  
чора-тадбирлар ўз самараси-  
ни бермоқда.

3»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАН  
БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,  
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа  
мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйилган  
қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари ↑ 1640,52  
1 Англия фунт стерлинги ↑ 2623,48  
1 Дания кронаси ↑ 301,91  
1 БАА дирҳами ↑ 450,39

1 АҚШ доллари ↑ 1654,25  
1 Миср фунти ↓ 282,54  
1 Исландия кронаси ↓ 14,23  
1 Канада доллари ↓ 1653,59

1 Хитой юани ↑ 251,01  
1 Малайзия ринггити ↑ 541,14  
1 Польша злотийси ↓ 569,53  
1 СДР ↑ 2587,74

1 Туркия лираси ↓ 1023,54  
1 Швейцария франки ↑ 1756,48  
1 ЕВРО ↑ 2276,08  
1 Жанубий Корея вони ↑ 14,74

1 Япония енаси ↑ 201,66  
1 Россия рубли ↑ 55,76  
1 Украина гривнаси ↑ 208,61







## Барқарор тараққиётимиз кафолати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Миродил  
АБДУРАҲМОҶОВ

Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 баробарни ташкил этганини инобатга олсак, бу натижаларга эришиш учун 20 йил муқаддам тамаил тоши қўйилганига ишонч ҳосил қиламиз. Юқорида таъкидланганидек, бир пайтлар бор-йўғи ўн-ўн беш кунлик бугдойи ва ун захираси билан илк муқтақил қадамини қўйган халқ орадан 19 йил ўтгач, 6 млн. тоннадан зиёд тамаил етиштирди. Пахта толасини экспорт қилиш бўйича дунёнинг учинчи давлатига айланди. Бугун энг чекка қишлоқларимизда ҳам бунёд этилаётган улкан иншоотлар, кўприклар, йирик саноат корхоналари, бир маҳаллар етти уқлаб тушимизга ҳам кирмаган бунёдкорлик иморатларига қараб туриб, собиқ иттифоқ даврида қишлоқ аҳолисига бор-йўғи 300 минг гектарга яқин ер берилгани ёдимизга тушади. Истиқболимиз арафасидаёқ 2,5 млн.



лаб чиқарилган» деган белги билан 12 млрд. АҚШ долларига яқин маҳсулот экспорт қилинганини бугун оддий ҳол, деб қабул қилаёғимиз. Ўша даврларда бир кун келиб Ўзбекистонда

2010 йилнинг ўзигагина мамлакатимизда 1076 та лойиҳа амалга оширилиб, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошгани, импорт ўрнини босиш

минг гектар майдонда мамлакат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг қарийб 90 фоизини етиштириб бермоқда. Эмин-эркин фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони эса 425 мингдан зиёдни ташкил этаётган.

Орадан 20 йил ўтгач, истиқлол неъматли сифатида дунёга келган ана шу синф вакиллари-нинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50 фоиздан ортди. 2010 йилда ташкил этилган янги иш ўринларининг 65 фоизи, яъни 600 мингдан зиёди айнан хусусий мулк эгалари томонидан яратилди. Бу мулкдорлар синфи учун қўлай шароитлар яратилгани билан боғлиқ, албатта. 2010 йилда ана шу қатлам вакилларига 2 трлн. 700 млрд. сўм миқдорда кредитлар берилди.

Ҳа, чиндан ҳам собиқ иттифоқ ўрнидаги айрим давлатлар иқтисодий бўҳрон, беқарорликлар, ер ости ва ер усти бойликларини ҳисобигагина кун кечираётган бир пайтда Ўзбекистондаги тинчлик ва хотиржамлик, сармоядорлар учун яратилган қўлай шарт-шароитлар туфайли ҳам 2011 йилда иқтисодиётнинг реал секторига 3 млрд. АҚШ долларини миқдорда инвестиция киритиш режалаштирилмоқда. Энг муҳими, бу маблағнинг 2 млрд. 200 млн. доллардан ортиғини ёки 73 фоиздан зиёднни тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади. Зеро, мушаккилликимизнинг дастлабки йилларида чет эллик ишбилармонлар фақат давлат кафолатлари билангина инвестиция киритишга розилик берганлари ёдимиздан кўтарилгани йўқ.

2011 йилга мўлжалланган мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун 85 та инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқаришга жами 7 миллиард доллар миқдорда маблағ йўналтириш кўзда тутилётгани эса Ўзбекистон янада улкан ўзгаришлар бўсағасида турганини кўрсатади. Бу буюк халқнинг буюк саодатидан далолатдир.

Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган устувор вазифалар моҳиятини аниқлашга ҳаракат қилар эканмиз, бутун жамиятни ягона куч ва ягона мақсад сари йўналтираётган бу муҳим ҳўжат барқарор тараққиётимиз кафолати эканига яна бир қараи ишонч ҳосил қиламиз.

## Инсон ҳаёти ва саломатлиги ҳамма нарсадан устун

**АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ БЎЛИБ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ КЎТҚАРИБ ҚОЛИШГА ҲАМДА СОғЛИГИНИ САҚЛАШГА, АТРОФ-МУҲИТГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ВА МОДДИЙ ТАЛАФОТЛАРНИ КАМАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудоға ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан 2011 йил 2 февраль кўни Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокимлигида «Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муғоғаз қилишнинг долзарб масалалари» мавзуда ташкил этилган семинарда шу ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Семинар иштирокчилари қайд этиб ўтганларидек, шахсонинг, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органлари, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаро ҳимояси соҳасидаги фаолиятини тартибга соладиган, инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлигининг устуворлиги принципини қарор топтирадиган қонунчилик базаси амал қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар мобайнида аҳолини фавқулодда вазиятлардан муғоғаз қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан яратилган фавқулодда вазиятларда оғоҳлантириш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг (ФВДТ) кучлари ҳамда воситалари томонидан амалга оширилмоқда.

ФВДТ функционал ва ҳудудий кичик тизимларининг аҳолини фавқулодда вазиятлардан муғоғаз қилиш бўйича ишлари «Фуқаро муғоғазаси тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муғоғаз қилиш тўғрисида»ги, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Қўтқарув хизмати ва қўтқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларида мувофиқ олиб борилмоқда.

2010 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг тегишли участкаларида қирғоқни мушаккамлаш, кўтарма тиклаш ва бошқа муғоғаз ишлари олиб борилди. 2679 минг куб метр тўпроқ ишлари, 90119 куб метр тош ишлари, 14634 куб метр бетон ишлари бажарилди, 1680 километрлик магистрал каналлар тозаланди. Бундан ташқари, мамлакатда аҳолини хавфли геологик ва гидрометеорологик ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муғоғаз қилиш учун 2010 йилда хавфли жойлардаги 158 та хўжаликдан 917 нафар одам эвакуация қилинди, шу жумладан, 72 та хўжаликдан 395 нафар одам ичимлик суви, энергия ва газ, табиий хизмат, алоқа, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва бошқалар билан таъминланган обод посёлкаларга доимий яшаш учун кўчирилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, семинарни ўтказиш жойининг танланиши бежиз эмас. Тоғли ерда жойлашган Бўстонлиқ

туманида мамлакатимиз табиий-иқлим шароитининг ўзига хос хусусияти ойнада акс этгандек кўринади. Туман ҳудудда юқори сейсмиқлик, сел келиши ва тоғ кўчиши каби хавфли ҳодисаларнинг кўчайиши реаллиги аҳолини фавқулодда вазиятлардан муғоғаз қилиш борасида биринчи навбатда бажарилиши керак бўладиган ишларни белгилайди. Туманда хавфли геологик ва гидрометеорологик ҳодисалар билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан зарур ишлар бажарилмоқда. Шунингдек, табиий ҳодисалар кўчайдиган даврда хавфли зоналарга одамлар ва транспортни киритмаслик мақсадида техник ва алоқа воситалари билан жиҳозланган махсус постлар ўрнатилмоқда. Шунга ўхшаш ишлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бажарилмоқда.

Масалани муҳокама қилиш асносида семинар иштирокчилари иш юзасидан тажриба алмашдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг шу йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ажуналари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган аҳолини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муғоғаз қилишни таъминлаш борасидаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган бир қатор таклифларни билдирдилар.

Шунингдек, хавфли геологик ва гидрометеорологик ҳодисалар ривожланадиган зоналарни доимо мониторинг қилиб бориш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан муғоғаз қилишнинг шакл ва услублари сифатини яхшилашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бир қаторда, фавқулодда вазиятларда оғоҳлантириш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг мавжуд куч ҳамда воситаларидан мумкин қалар кўпроқ фойдаланиш, зарур моддий-техник воситалар захираси яратилишини таъминлаш, энг қалғис участка ва объектларда тактик-махсус машқлар ўтказиш, аҳолига, шу жумладан, ўқувчи-ёшларга фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш асосларини ўргатиш самаралорлигини ошириш, бу ишга тажрибали мутахассислар, педагогларни жалб этиш таклиф қилинди.

Семинар ишида сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашларининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муғоғаз қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари вакиллари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, Бўстонлиқ тумани қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎЗА)

## ЧАРМГАРОННИНГ ЯНГИ УЙЛАРИ



Давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишлари қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Қишлоққурилишнинг» компанияси ҳудудий филиали буюртмаси асосида ўтган 2010 йилда Бухоро вилоятида жами 540 та уй-жой барпо этилди.

Янги уйлarning 20 таси янги йил арафасида Ёйдувон туманидаги Чармгарон қишлоғида фойдаланишга топширилди. Барпо этилаётган турар жой наҳсиннинг асосий қисми банк томонидан 15 йилга ажратиладиган йиллик 7 фоизли кредит ҳисобидан қопланиши, қолган 25 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги маблағнинг аҳоли томонидан киритилиши айна мудоао бўлаяпти. Шу билан бундай уйлarga эга бўлиш истиқлоли оилалар сони тобора кўнаймоқда. Туманда қад ростлаган замонавий уйлари барпо этишда «Ёйдувон текстрой прогресс плюс» бинокорларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

### КЕЛГУСИ СОНДА:

#### ЖАСОРАТ ВАТАНИИ СЕВИШДАН БОШЛАНАДИ

Ёш офицер гуруҳ командири сифатида мушакқил фаолият бошлаган пайтларда билим юртида мардлик ва матонатдан сабоқ берган устозлари ўстига суянди. Айнан курсантлик даврида кўнгил билан ўзлаштирилган билим уни юксакларга олиб чиқиши мумкинлигини аниқлади.



## Сарҳисоб ва режалар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,  
ЎЗА

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2010 йилда 11,5 фоизга ўсди. Жумладан, ўсиш суръати саноатда 19,4, қурилишда 13,5, қишлоқ ҳўжалигида 18,1, чакана савдо айланмасида 17,7, пуқлик хизматлар кўрсатишда 13,3 фоизни ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 22 корхона томонидан 37,9 миллиард

сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бандлик дастури бўйича 2010 йилга белгиланган режа ижроси тўла таъминланди.

Йиғилишда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини, қишлоқ

жойларда уй-жой қуриш бўйича мақсадли комплекс дастурларнинг бажарилишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлик даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қaratилди. Қишлоқ ҳўжалиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва ободонлаштириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, ўрта мах-

сус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги вазифалар муҳокама этилди.

Шу билан бирга йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ва тағалла вазифалар белгилан олди.

Андижон вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқовлар сўзга чиқди.



# Болалар масъулияти катталар зиммасида

**НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, ОТА-ОНАЛАР, ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН КЎРИЛГАН ЧОРАЛАР НАТИЖАСИДА 2010 ЙИЛДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИК МУАЙЯН ДАРАЖАДА КАМАЙДИ**

**Зафарбек ТУРСУНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси бўлими  
катта прокурори

Бунда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси доирасида 2010 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши тегишли идоралар ва муассасаларнинг масъулиятини янада ошириш, болаларнинг фойдаланиш ҳуқуқ-азодларини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирлар самардорлигини яхшилаш учун ҳуқуқий замин яратди.

Ушбу қонунни амалиётга татбиқ этиш юзасидан махсус чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, унга кўра «Ички ишлар органларининг Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида», «Таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисида», «Таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож бўлган болалар учун ихтисослаштирилган касб-хунара коллежи тўғрисида»ги низомлар ишлаб чиқилди.

2010 йилнинг 17 майида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни ҳам ёш авлод вакиллари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Қонунга биноан мазкур кодекс 1882-модда билан тўлдирилди. Унда рестороанлар, кафе-лар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгилочар (дам олиш) муассасаларнинг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслар томонидан вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онасиз ёки унинг ўринини босувчи шахс кузатувсиз қайд этилган муассасаларда бўлишига йўл қўйганлик учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жаримага тортиш белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 19-моддасида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида қатнашиши, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмак бериши белгилаб қўйилди.

Қонун қабул қилинган, жойларда солиқ, ички ишлар ҳамда бошқа мутасадди идоралар масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари ҳамда ота-оналар иштирокида унинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.



Шу ўринда ўтган йили пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий боғида ташкил этилган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ёшга таътил мавсумида ўтказилган «Куч — билим ва тафаккурда» тўғрараклар кўргазмасида пойтахтдаги 13 та ўқувчилар ижодиёт ва 8 та техник ижодиёт марказлари, 30 та мусиқа ва санъат мактаби, 13 та болалар спорт мажмуаси, 30 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан иштирок этганини, бу ҳақда фотоальбом ва

дисклар тўплами тайёрланиб, ҳудудий комиссияларга амалиётда фойдаланиш учун юборилганини таъкидлаш жоиз.

Наманган вилояти прокуратураси ташаббуси билан эса 2009-2010 ўқув йилида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб қилиш ва уларнинг қизиқишлари бўйича академик лицей ва касб-хунара коллежларида ўқишларини давом эттиришларини таъминлаш мақсадида «kollejlar.uz», Наманган шаҳар

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида «bandlik.uz» электрон сайтлари ташкил этилди. Аини пайтда ушбу тажрибадан бошқа вилоятларимизда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, юртимиздаги ҳар бир бола меҳр ва эътиборда бўлиб, уларнинг бахту камоли йўлидаги эзгу ишлар жамият фаровонлигининг муҳим омилidir.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ


Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қўриқлашга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсиқлар ва сансоларликларга йўл қўйилган тақдирда

### СИЗ, ТАДБИРКОРЛАР, ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қўйидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига кўнғироқ қилишингиз мумкин («007» қисқа рақамига кўнғироқ фақат туман ва шаҳар АТС рақамларидан амалга оширилади).

| №   | Прокуратура органлари                                                         | «Ишонч телефонлари»              |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|
| 1.  | Ўзбекистон Республикаси<br>Бош прокуратураси                                  | Код: 8371 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2.  | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси<br>хузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти | Код: 8371 233-84-20              |
| 3.  | Андижон вилоят прокуратураси                                                  | Код: 8374 224-06-09              |
| 4.  | Бухоро вилоят прокуратураси                                                   | Код: 8365 223-74-79              |
| 5.  | Жиззах вилоят прокуратураси                                                   | Код: 8372 226-09-62              |
| 6.  | Қашқадарё вилоят прокуратураси                                                | Код: 8375 221-07-82              |
| 7.  | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси                                    | Код: 8361 222-26-39              |
| 8.  | Навоий вилоят прокуратураси                                                   | Код: 8436 225-07-17              |
| 9.  | Наманган вилоят прокуратураси                                                 | Код: 8369 226-23-02              |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси                                                | Код: 8366 235-07-34              |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси                                                  | Код: 8367 223-38-22              |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси                                               | Код: 8376 223-20-36              |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси                                                   | Код: 8371 273-74-81              |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси                                                  | Код: 8371 277-26-18              |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси                                                  | Код: 8373 224-04-80              |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси                                                   | Код: 8362 227-45-71              |

Бундан ташқари, барча туман ва шаҳар прокуратураларида «Ишонч телефонлари», фуқароларнинг қўнғироқ қилиш навбатчилиги асосида тўхтовсиз ташкил этилган. Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.



## Туризм Ўзбекистонни жаҳонга танитмоқда

**2010 ЙИЛИ БУХОРОДА 117142 НАФАР САЙЁҲГА 9775 МЛН. СЎМЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИЛДИ. БУ 2009 ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН 2173,5 МЛН. СЎМ КЎП ДЕМАҚДИР. СОҲА МУТАСАДДИЛАРИНИНГ ФИКРИЧА, ЭКСПОРТ ХИЗМАТИ 2009 ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН 557,8 МИНГ АКШ ДОЛЛАРИГА ОРТИБ, 4449,1 МИНГ АКШ ДОЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИ ҲАМ ВИЛОЯТДА СЕРВИС ХИЗМАТИНИНГ ТОБОРА ЯХШИЛАНИБ БОРАЁТГАНИ САМАРАСИДИР**

**Асхор ИСТАМОВ,**  
«XXI ASR»

Бугун қадимий шаҳарда жами 53 та замонавий меҳмонхона фаолият юритаётди. Уларнинг 47 таси хусусий, 5 таси хорижий ҳамкорлар иштирокида бунёд этилган. Ўтган йили яна 2 та замонавий — «Камелот» (38 ўринли) ва «Бухоро-Баҳовуддин» (28 ўринли) меҳмонхонаси ишга туширилди.

— Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонни дунёга танитишда туризм катта имкониятларга эга, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлими бошқарувчиси Мансур Зокиров. — Айتمқчиманки, мамлакатимизнинг туристик имкониятлари, мавжуд тарихий обидалари ва қадимий қадрият маданиятига дунёдаги аксарият давлатлар ҳар

қанча ҳавас қилса арзийди. Аммо, очиги, биз бугун яратиб берилган имкониятлардан, мавжуд куч ва шароитлардан етарлича фойдалана олмаётганимизни ҳам таъкидлаш жоиз.

— Менимча, бу соҳа ҳам юртимиздаги етакчи тармоқлар — қишлоқ хўжалиги, санаят, қурилиш, транспорт ва бошқа соҳалар билан бемалол рақобатга кириша олади ва бунинг учун имкониятлар етарли. Бас, шундай экан, бу масалада эътиборсизликка йўл қўймаслик ва пировардда ижобий натижаларга эришилиши керак. Туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа қадимий шаҳарлар атрофида замонавий кемпинглар қурилатгани, туристик маршрутларга киритилган йўлларнинг сифатли таъмирланаётганини назарда

тутаётган. Биз, соҳа вакиллари, туризмни янада ривожлантириш учун Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда унинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган ҳолда фаолият юритсак, ютуқларимиз янада самарали бўлади. Айниқса, хориждаги йирик туроператорлик фирмалари вакиллари юртимизга жалб қилишда бу жуда қўл келади, деб уйлайман. Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, жойлардаги божхоналар ва аэропортлар билан доимий равишда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш жуда муҳимдир.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Бухоро минтақавий бўлими жамоаси бутун ана шундай яхши ниятлар билан фаолият кўрсатмоқда.



**O'ZSANOATQURILISHBANK**

**ОТКРЫТЫЙ АКЦИОНЕРНО-КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК  
«УЗПРОМСТРОЙБАНК»**

**ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС НА ЗАКУПКУ  
ПРОГРАММНО-ТЕХНИЧЕСКОГО  
КОМПЛЕКСА ДЛЯ ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ  
ACTIVE DIRECTORY.**

**Подробную информацию Вы можете получить по  
следующему адресу: г.Ташкент, ул. Шахрисабзская 3.  
Тел: 120-45-56, 120-45-60. Факс: 120-45-60.  
Внутренний номер: 32-24, 30-63.**

Коммерческие предложения с указанием цен, сроков поставки и гарантии, статусе компании в качестве партнера поставщика оборудования, а также авторизационным письмом компании-производителя должны быть в конверте, запечатанном печатью поставщика. Коммерческие предложения принимаются до 10 февраля 2011 года.



**IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA**

**TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI —  
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI**



**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Мухаммадсўф ТЕШАБОВ, Абдурашид ЖҲАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Муҳлис АҚРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шўхрат НОҒИТОВ, Шўхрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Киём НАЗАРОВ.

**ТАХРИРИЯТ:** Озод РАҲАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБДОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Янгубой ҚУЧҚОРОВ, Асхор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шўхрат ОХУНЖОНОВ.

**БОШ МУҲАҲРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**МАТН ТЕРУВЧИ:** Нигора ЖҲАЕВА

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17, Партия турмуши — 254-67-78, Парламент фаолияти — 255-43-57 Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар — 255-64-80, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти — 255-68-50, Халқаро ҳаёт — 254-91-06, Ешлар ва аёллар масалалари — 255-68-50, Реклама дирекцияси — 215-60-45, Факс: 215-63-80

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborot@asr.uz, 21asr@yahoo.com, 21asr@yandex.ru, 21asr@yandex.ru

©-XXI ASR-дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навий» кўчаси, 30-уй.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 1040  
Тираж: 18 545

Навбатчилар:  
**О.РАҲАБОВ,**  
**Ш.РАҲИМОВ.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**



**«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК**

**2011 ЙИЛ**

**ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!**

**Тел: (8 371) 233-75-49, сайт: www.akmt.uz, e-mail: info@akmt.uz**



## Сиёсий фаоллик изланишларга ундамоқда

Давоми. Бошланиши 9-саҳифада ◀◀

— Интилиш ва изланишда ҳикмат кўп. Корхонага олиб борувчи йўллар атрофига мева ва манзарали қўчатлар экишни бошлаб юбордик. Амалга оширилаётган бу каби ишларда партия аъзолари бош-қош. О'зЛиДеРнинг дастурий мақсадларини рўйбга чиқариш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга яқиндан кўмаклашиш учун ўзимизни тўла масъул деб биламиз. Чунки ҳар қандай эзгу мақсад, меҳнат ва яқдликлик орқалигина рўйбга чиқади.

Дарҳақиқат, шундай. БПТнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га оид матбузаси юзасидан атрофлича фикр юритилди. Сўзга чиққанлар давлат қурилишини тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётнинг мафқурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш Концепцияда ўртага қўйилган асосий вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб, бу борала барча қатори О'зЛиДеР электорати зиммасига ҳам катта масъулият юклатилганлигини эътироф этидилар. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, шу ҳисобдан халқ турмуш фаровонлигини янада оширишга эришиш ҳаминша диққат марказида бўлиши лозим. Йиғилишда мазкур Концепция моҳиятини чуқур ўрганиш, уни аҳоли кенг қатламлари ўртасида чуқур тарғиб ва ташвиқ қилиш юзасидан бошланғич ташкилотнинг навбатдаги вазифалари белгилаб олинди.



Фақат шугина эмас. Партия фидойилари саъй-ҳаракати билан фаолияти тўхташ арафасида турган Қарши термoplast заводи корхона тасарруфига олиниб, турли ўлчамдаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларнинг тури кўпайди, сифати яхшиланди. Ишчи-хизматчиларнинг маиший турмуши яхшиланмоқда. Жумладан, корхона ҳудудида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уларга арзон нархларда сотила-япти. Чорвачилик ва паррандачилик ҳам жадал ривожлантирилмоқда. Мажмуада хотин-қизлар учун барча шарт-шароит мўҳайё

этилган. Улар белгиланган режа-топшириқларни ошириб бажариш билан бирга, партиявий-сиёсий ишларда ҳам фаол, ташаббускор. Ўтган давр мобайнида Қарши шаҳри, Нишона ва Ғузор туманларида касаначилиқни йўлга қўйиш орқали юзлаб янги иш ўринлари яратилди.

Мажмуа директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Алишер Султонов партия сафларини мустаҳкамлаш, электротар манфаатларини рўйбга чиқариш, аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш йўлида куч-ғайратини аямаётир. У О'зЛиДеРнинг фаол аъзоларидан

бири сифатида ўз бурчиға масъулият билан ёндашади, раҳбарликни тарғибот-ташвиқот ишлари билан қўшиб олиб боришга ҳаракат қилади. Ана шундай жонқуяр, тиниб-тинчимас инсонларнинг саъй-ҳаракати билан БПТ фаолияти тобора кенг қўлам касб этиб, жамоа ўртасида ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамламоқда. Тарафдорлар сафи кенгайиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, жамият аъзолари онгида юксак ғоя ва кўникмаларни шакллантириш либерал-демократик партия ўз олдига қўйган эзгу мақсадлардан биридир.

## Интилиш

## Ёшлар барча соҳада фаол

О'зЛиДеР Самарқанд вилоят кенгаши ўз фаолият доирасини йил сайин кенгайтирмоқда. Бундай дейишга тўла асос бор. Жумладан, бошланғич партия ташкилотлари сони ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 9 тага ошиб, 754 тага етди. Аъзолар эса 18700 нафарни ташкил этмоқда. Бу 2009 йилга нисбатан 200 нафарга кўп, демакдир. Электорат вакиллари асосан фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, турли корхоналарнинг ходимлари саналади.

Мўҳаббат РАВШАНОВА,  
«XXI ASR»

Бошланғич ташкилотлар ишини йўлга қўйишда О'зЛиДеР Нуробод туман кенгашида ибратли тажриба тўплаган, десак, хато қилмай-

миз. 2010 йилда улар сони 3 тага кўпайиб, жами 40 тага етди. Қуйи ташкилотлар ўз сафларида 600 нафарга яқин аъзони бирлаштирган.

— Янги сафдошларимизга аъзолик гувоҳномалари танта-нали равишда топширилди, — дейди Жанубий кон бошқарма-

си ҳуқуқшуноси, БПТ етакчиси Ғуломжон Қўшиев. — Бу, шубҳасиз, уларга билдирилган катта ишончдир. Давр партиявий бурчга нисбатан тўла масъулият билан ёндашишни тақозо этмоқда. Айни кунда 46 нафар ходимимиз О'зЛиДеР аъзосидир. Корхонамизда ишни йўлга қўйиш, тadbиркорликни ривожлантиришда уларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Қўшимча даромад келтирадиган тикув цехлари ўтган йилнинг ўзида 2 тага кўпайтирилди. Уларда кон ишчилари ва қўриқлаш отрядлари учун махсус кийим-бошлар, кўрпа ва ёстиқ жипслари тайёрланмоқда. Ўтган йили олий ўқув юрлари ҳамда касб-ҳунаар коллежларини тугатган 200 нафарга яқин ёшлар ишга қабул қилинди. Айни кунда улар Пах-

тачи тумани ҳудудидаги Қорасқўтон қони, Қўшработ туманидаги 10-сонли автокорхона ва мавжуд тикув цехларида самарали фаолият юритишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, БПТ саъй-ҳаракати билан малакали мутахассисларни танлаш ва тарбиялашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ўтган йили махсус ўқув курслари ташкил этилиб, 600 нафардан ортиқ ёшларнинг техник салоҳиятини оширишга жиддий эътибор берилди. Улар орасида О'зЛиДеР аъзолари кўпчилиқни ташкил этади. Жанубий кон бошқармаси маънавий бўлими бошлиғи Рустам Иноғомов, муҳандис Дилрабо Мардонова, ҳисобчи Юлия Юрисова шулар жумласидан-дир.

## Тadbиркорлик

## Излаган имкон топади

Тadbиркорларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланган ҳолда Собир Бийсенов 2003 йили Қонлиқўл туманида «Асел-Лаззат» шахсий фирмасини очиди. Ўз бизнесини овқатланиш жойини тузиш билан бошлаган ёш тadbиркор сўнгра — 2007 йили давлат лизингига 21 млн. сўм маблағ олиб, нон ва нон маҳсулотлари учун ускуналар харид қилди.

Зульфия ЯКУПОВА,  
О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туман кенгаши БПТ бўйича консультанти

Шу тариқа ёш тadbиркор туман аҳолисининг нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи таъминланишига имкон яратди. Бир қатор ёшлар фирмалари янги иш ўринларига жойлашди. Ишнинг кўзини билган ёш тadbиркор шу йили «Агробанк»нинг туман бўлимидан кредит олиб, озиқ-овқат ва истеъмол товарлари сотиладиган дўкон очишга эришди.

Ёш тadbиркор гўшт ва гўшт маҳсулотлари, шунингдек, қишда ҳам ҳар хил мева ва савзавот маҳсулотлари билан туман аҳолисини таъминлаш мақсадида иссеқхона қуришни режалаштирмоқда.

— Собир — тadbиркорликни ривожлантиришда, партияимизнинг тарғибот ишларини юритишда ўзини кўрсатиб келмоқда. Биз унинг мана шу фаоллигини ҳисобга олиб, 2009 йили бўлиб ўтган сайловларда депутатликка номзод қилиб кўрсатилдик. Халқ ишончига эришган ёш тadbиркор Қонлиқўл тумани кенгашига депутат этиб сайланди. Ҳозирги кунда 2-сонли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зо-

ҳид Матмуродов билан бирга маҳалла ишларида ҳам фаол қатнашмоқда, — дейди Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонлиқўл туман кенгаши раиси ўринбосари-аппарат раҳбари Алтиной Бабажоновна.

Албатта, бутунги кунда тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Савло-саноат палатасининг Қорақалпоғистон бўлими амалга ошираётган ижобий ишларнинг ўрни катта. Собир Бийсенов «Ташаббус-2010» танловига қатнашиб, «Ёшларга иш берувчи энг яхши корхона» номинацияси бўйича Қорақалпоғистон босқичида диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Излаган имкон топади, деганларидек, ёш тadbиркорнинг бу ютуқлари ҳаммани қувонтиради. Биз у келгусида ҳам сиёсий фаол ва яхши тadbиркор сифатида юртимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

## Таълим

### ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

→ Халқ таълими вазирлиги ва Жаҳон банки ҳамкорлигидаги «Мактаб таълимининг ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Бухоро вилоятида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Пешку туманидаги 27 та мактабгача таълим муассасаси зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бу, ҳеч шубҳасиз, болаларнинг ҳар томонлама ривожланишида, кичкин-тойларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Хорижда ишлаб чиқарилган трамплинлар, югуриш йўлакчалари, ранг-баранг ўйинчоқлар шулар жумласидандир.

Ушбу лойиҳа 2012 йилгача давом эттирилади. Режага кўра энди Ромитан, Ғиждувон туманларидаги мактабгача таълим муассасаларига кўпроқ эътибор қаратилади.



## Ташаббускорлик

Давоми. Бошланиши 9-саҳифада ◀◀

— Компанияда ишлаётганимдан мамнунман, — дейди корхона ишчиси Улуғбек Дадажонов. — Инсон саломатлиги билан боғлиқ фармацевтика йўналишида ишлаш масъулият юклаш билан бирга кўнглида фахр уйғотади, ишонч ва умидни мустаҳкамлайди. Айни пайтда О'зЛиДеР БПТга аъзо бўлганим эса менга ижтимоий-сиёсий жабҳада янада кўп нарсани англашимга, шу йўлда фаол бўлишга ундамоқда.

Ҳозирда «Navbahor saydo» дунёдаги 50 дан ортиқ машҳур фармацевтик компани-

ялар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Қисқа давр ичида кичик бир фирманинг шу даражада юксалиши эътибор ва эътирофга лойиқ. Бунинг замирида эса, шубҳасиз, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат сиёсати ётади. Мазкур компанияда ташкил этилган О'зЛиДеРнинг БПТ эса ана шу каби эзгу ишларни ўз аъзоларига тушунтириш баробарида ушбу жараёнларда фаол иштирок этишга даъват этмоқда.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

### ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга ангаиш ёндашуларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнига бағишланган бу танловга 2010 йилнинг 31 мартидан 2011 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

#### ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН ҚУЙДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

#### АСОСИЙ МУКОФОТЛАР:

**Энг яхши журналистик материал** учун миллий мукофот

(телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

**Энг яхши журналистик материал** учун миллий мукофот

(радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

**Энг яхши журналистик материал** учун миллий мукофот

даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);

**Энг яхши журналистик материал** учун миллий мукофот

(интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

#### РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР ДОИРАСИДАГИ НОМИНАЦИЯЛАР:

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили»га бағишланган энг яхши материал учун;
- маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- энг яхши матбуот хизмати;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуетка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

«Олтин қалам» танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

**Телевидение бўйича видеоматериаллар**, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

**Радиозиттиришлар** (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

**Матбуот ва интернет материаллари** даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

#### ТАНЛОВГА ЮБОРИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРГА ҚУЙДАГИЛАР ИЛОВА ҚИЛИНАДИ:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
  - муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
  - паспорт нусхаси.
- Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни — 2011 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

#### Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйдаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. [www.journalist.uz](http://www.journalist.uz)



# Бошланғич партия ташкилотларида

05 (377)-СОН

2011 йил 03 февраль,  
пайшанба


e-mail:  
axborotXXIasr@yahoo.com

Қуйи бўғинларда

## Сиёсий фаоллик изланишларга ундамоқда

Бугунги кунда жойларда юз бераётган туб янгиланиш ва ўзгаришларни сиёсий партиялар фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, улар омманинг авангарди сифатида катта куч ҳамда имкониятларга эгадир.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI ASR»



Қашқадарё вилоятида «Шўртангазкимё» мажмуаси О'zLiDeP бошланғич ташкилоти томонидан амалга оширилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар билан танишгач, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Партия аъзолари — жамоа ўртасида обрў-эътибор қозонган, ўз эътиқодига содиқ, фидойи кишилар. Уларнинг сиёсий жонқуярлиги туфайли тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигига эришилмоқда. Утган қисқа давр мобайнида юздан ортиқ турли тadbирлар ташкил этилди. Мажмуадаги 25 та цехда О'zLiDeP аъзолари иш юритишмоқда. Улар аниқ партиявий топшириқлар билан қамраб олинган.

Жамоада меҳнат шароитини яхшилаш, ишчи-хизматчиларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда кўнгилли ҳордиқ чикаришларини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш илг'орлари ўз вақтида рағбатлантириб боришмоқда. БПТ ташаббуси билан цехлар

ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этилапти. Қамашли туманидаги «Меҳрибонлик уйи» корхона ҳомийлигига олинган. Партия фаолларининг саъй-ҳаракати билан ушбу маскан қайта таъмирланиб, зарур ўқув жиҳозлари, мебеллар жамламаси ва спорт анжомлари билан таъминланди.

«Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили»да ёшларни иш билан таъминлаш, хориж технологияси асосида қўшма корхоналар барпо этишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ҳисобидан экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Фаолларимиз вилоят-

да бошланган «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг туҳфам» шиори остида бошланган хайрли ташаббусга биринчилар қаторида қўшилдилар, — дейди бошланғич партия ташкилотли раиси Шўхрат Уватов.

» 10

Самара

## Ташаббускорлик

Аҳолининг давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишини таъминлаш Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий вазифалари сирасига қиради. Партия ушбу вазифаларни амалга оширишда БПТлар мададига суянмоқда.

Шўхрат РАҲИМОВ,  
«XXI ASR»

2002 йил ташкил этилган «Navbahor savdo» масъулияти чекланган жамияти дори-дармон воситалари ва тиббиёт ускуна-

лари етказиб бериш, улгуржи ва чакана савдо қилишга ихтисослашган. 8 йиллик фаолияти давомида компания Ўзбекистон фармацевтика бозорида етакчилардан бирига айланди. 120 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат

қилаётган мазкур компанияда 2009 йилда О'zLiDePнинг бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Ҳар қандай ишнинг ҳам бошланиши осон кечмайди. «Navbahor savdo» МЧЖ ҳам дастлаб кичик бизнес билан шугулланувчи фирма сифатида 9 нафар жамоат аъзоси билан иш бошлаганди. Мамлакатимизда тadbиркорликка яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдалана олган ушбу ташкилот тез орада ўз фаоли-

тини кенгайтиришга эришди.

Эндиликда йирик фармацевтик корхона сифатида фаолият юритаётган «Navbahor savdo»нинг айни кунда мамлакатимиз минтақаларида тўртта шўъба корхоналари мавжуд.

— Аҳоли соғлигини сақлаш ва ҳимоя қилишда сифатли дори-дармон, тиббиёт жиҳозларини етказиб бериш, мижозлар ва ҳамкорлар билан ишончли муносабатлар ўрнатганимиз муваффақиятлар

гаровидир, — дейди корхонанинг савдо бўлими бошлиғи, БПТ фаоли Ирода Мирзалиева. — Корхонамиз фаолияти, иш суръати ва самарадорлиги даражасини оширишда малакали мутахассислар билан бирга партия ташкилотимизнинг бево-сита таъсири борлигини таъкидлашни истардим.

Корхонамизда БПТ ташкил этилганига ҳали кўп бўлмади. Аммо ана шу қисқа вақт ичида корхона ходимлари, ишчиларининг ярмига яқини О'zLiDeP аъзолигини қабул қилди. Улар сафида Азиза Бекмуродова, Хулкар Раҳимова, Ёрқин Тулаганов, Улугбек Далажоновлар ҳам корхона, ҳам партия фаолиятида ташаббускорлиги, жонқуярлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлаяпти. Ана шундай юқори билимли, ташаббускор мутахассислар, ходимларнинг меҳнати, гоё ва таклифлари билан компания тобора ривожланиб бормоқда.

Айни кунда Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоятларида компания филиаллари фаолият юритмоқда.

«Navbahor savdo» рамзли ёзувга эга махсус машиналарда Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Наманган, Қашқадарё, Навоий вилоятларига дори-дармон ҳамда тиббиёт жиҳозлари етказиб берилаётир.

Эътироф

БУХОРОЛИК  
МЕЪМОРЛАР —  
ХАЛҚАРО КЎРИК-  
ТАНЛОВ  
СОВРИНДОРЛАРИ

→ Бош офиси Москвада жойлашган Архитектура уюшмалари халқаро ассоциацияси ўтказган кўрик-танлов натижаларига мувофиқ Бухородаги «Қурилиш-лойиҳа» институти бош архитектори Маҳмуд Аҳмедов бошчилигидаги бир гуруҳ меъморлар иккинчи ўринга муносиб топилди.

Истеъодли меъмор М.Аҳмедов кейинги йилларда қадимий осори атиқаларни таъмирлаш, янгиларини бунёд этиш бўйича алоҳида тажрибага эга бўлиб, Бухородаги Чорбақр, Хўжа Исмаил Бухорий, Сайид Амир Кулол меъморий мажмуалари, Беҳиштиён мақбараси ва бошқа ёдгорликларни қайта таъмирлаш, вилоят, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга улкан ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсонлардан биридир.

— Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳридаги Хўжа Абдуллоҳ ибн Муборак ал Марвазий меъморий мажмуи, Бухоро шаҳрида XVI асрда тикланган қадимий обидалар ўрнида қайтадан барпо этилган Самарқанд ва Шайх Жалол дарвозалари лойиҳалари нуфузли кўрик-танловда юқори баҳолашни, нафақат гуруҳимиз, балки бухоролик барча меъмор ва усталар меҳнатига берилган юксак баҳолидир, — дейди таниқли архитектор.



## Кегейлида йигирма олтинчиси иш бошлади

Бугун Қорақалпоғистонда 10 минг 63 нафардан зиёд О'zLiDeP аъзоси бўлиб, улар 562 та бошланғич ташкилот атрофида бирлашган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.

С.КУДАЙБЕРГЕНОВ,

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари

Айни кунларда улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳақидаги маърузаси мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Кегейли маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган семинар ҳам айни шу мавзуда бўлди. Шу кун тумандаги «Аспантай» овул фуқаролар йигинида янги бошланғич партия ташкилотли очилиб, етакчиликка С.Наракеев сайланди. Шу тариқа Кегейли туман ҳудудидаги бошланғич партия ташкилотларининг сони 26 тага етди.

Семинарда, шунингдек, бир қатор партия фаолларига фахрий ёрлиқлар ҳам топширилди.



» 10







# Бошлангич партия ташкилотларида

05 (377)-СОН

2011 йил 03 февраль,  
пайшанба

e-mail:  
axborotXXIasr@yahoo.com

Куйи бўғинларда

## Сиёсий фаоллик изланишларга ундамоқда

Бугунги кунда жойларда юз бераётган туб янгиланиш ва ўзгаришларни сиёсий партиялар фаолиятдан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, улар омманинг авангарди сифатида катта куч ҳамда имкониятларга эгадир.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI ASR»



Қашқадарё вилоятида «Шўртангазкимё» мажмуаси О'зЛиДеР бошлангич ташкилоти томонидан амалга оширилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар билан танишгач, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Партия аъзолари — жамоа ўртасида обрў-эътибор қозонган, ўз эътиқолига содиқ, фидойи кишилар. Уларнинг сиёсий жонкуярлиги туфайли тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигига эришилмоқда. Утган қисқа давр мобайнида юздан ортиқ турли талбирлар ташкил этилди. Мажмуадаги 25 та цехда О'зЛиДеР аъзолари иш юритишмоқда. Улар аниқ партиявий топшириқлар билан қамраб олинган.

Жамоада меҳнат шарафини яхшилаш, ишчи-хизматчиларнинг сўхат-саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш илг'орлари ўз вақтида рағбатлантириб борилмоқда. БПТ ташаббуси билан цехлар

ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этиляпти. Қашқадарё туманидаги «Меҳрибонлик уйи» корхона ҳомийлигига олинган. Партия фаолларининг саъй-ҳаракати билан ушбу маскан қайта таъмирланиб, зарур ўқув жиҳозлари, мебельлар жамламаси ва спорт анжонлари билан таъминланди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ёшларни иш билан таъминлаш, хориж технологияси асосида қўшма корхоналар барпо этишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ҳисобидан экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтиришга жиҳдий эътибор қаратилмоқда.

— Фаолларимиз вилоят-

да бошланган «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг туҳфам» шиори остида бошланган хайрли ташаббустга биринчилар қаторида қўшилдилар, — дейди бошлангич партия ташкилоти раиси Шўҳрат Уватов.

» 10

Самара

## Ташаббускорлик

Аҳолининг давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишини таъминлаш Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий вазифалари сирасига киради. Партия ушбу вазифаларни амалга оширишда БПТлар мададига суянмоқда.

Шўҳрат РАХИМОВ,  
«XXI ASR»

2002 йил ташкил этилган «Navbahor savdo» масъулияти чекланган жамияти дори-дармон воситалари ва тиббиёт ускуна-

лари етказиб бериш, улгуржи ва чакана савдо қилишга ихтисослашган. 8 йиллик фаолияти давомида компания Ўзбекистон фармацевтика бозорида етакчилардан бирига айланган. 120 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат

қилаётган мазкур компанияда 2009 йилда О'зЛиДеРнинг бошлангич партия ташкилоти тузилди.

Ҳар қандай ишнинг ҳам бошланиши осон кечмайди. «Navbahor savdo» МЧЖ ҳам дастлаб кичик бизнес билан шуғулланувчи фирма сифатида 9 нафар жамоат аъзоси билан иш бошлаганди. Мамлакатимизда тадбиркорликка яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдалана олган ушбу ташкилот тез орада ўз фаолиятини кенгайтиришга эришди.

Эндиликда йирик фармацевтик корхона сифатида фаолият юритаётган «Navbahor savdo»нинг айни кунда мамлакатимиз минтақаларида тўртта шўъба корхоналари мавжуд.

— Аҳоли соғлигини сақлаш ва ҳимоя қилишда сифатли дори-дармон, тиббиёт жиҳозларини етказиб бериш, мижозлар ва ҳамкорлар билан ишончли муносабатлар ўрнатганимиз муваффақиятлар

гаровидир, — дейди корхонанинг савдо бўлими бошлиғи, БПТ фаоли Ирода Мирзалиева. — Корхонамиз фаолияти, иш суръати ва самарадорлиги даражасини оширишда малакали мутахассислар билан бирга партия ташкилотимизнинг бево-сита таъсири борлигини таъкидлашни истардим.

Корхонамизда БПТ ташкил этилганига ҳали кўп бўлмади. Аммо ана шу қисқа вақт ичида корхона ходимлари, ишчиларининг ярмига яқини О'зЛиДеР аъзолигини қабул қилди. Улар сафида Азиза Бекмуродова, Ҳулкар Раҳимова, Ерқин Тўлаганов, Улугбек Далажоновлар ҳам корхона, ҳам партия фаолиятида ташаббускорлиги, жонкуярлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлапти. Ана шундай юқори билимли, ташаббускор мутахассислар, ходимларнинг меҳнати, ғоя ва тақлифлари билан компания тобора ривожланиб бормоқда.

Айни кунда Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоятларида компания филиаллари фаолият юритмоқда.

«Navbahor savdo» рамзли ёзувга эга махсус машиналарда Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Наманган, Қашқадарё, Навоий вилоятларига дори-дармон ҳамда тиббиёт жиҳозлари етказиб берилапти.


» 10

Эътироф

БУХОРОЛИК  
МЕЪМОРЛАР —  
ХАЛҚАРО КЎРИК-  
ТАНЛОВ  
СОВРИНДОРЛАРИ

➔ Бош офиси Москвада жойлашган Архитектура уюшмалари халқаро ассоциацияси ўтказган кўрик-танлов натижаларига мувофиқ Бухородаги «Қурилиш-лойиҳа» институти бош архитектори Маҳмуд Аҳмедов бошчилигидаги бир гуруҳ меъморлар иккинчи ўринга муносиб топилди. Истеъдодли меъмор М.Аҳмедов кейинги йилларда қадимий осори атиқаларни таъмирлаш, янгиларини бунёд этиш бўйича алоҳида тажрибага эга бўлиб, Бухородаги Чорбақр, Хўжа Исмат Бухорий, Саййид Амир Кулол меъморий мажмуалари, Беҳиштиён мақбараси ва бошқа ёдгориқларни қайта таъмирлаш, вилоят, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга улкан ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсонлардан биридир.

— Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳридаги Хожа Абдуллоҳ ибн Муборак ал Марвазий меъморий мажмуи, Бухоро шаҳрида XVI асрда тикланган қадимий обидалар ўрнида қайтадан барпо этилган Самарқанд ва Шайх Жалол дарвозалари лойиҳалари нуфузли кўрик-танловда юқори баҳоланиши, нафақат гуруҳимиз, балки бухоролик барча меъмор ва усталар меҳнатига берилган юксак баҳодир, — дейди таниқли архитектор.



## Кегейлида йигирма олтинчиси иш бошлади

Бугун Қорақалпоғистонда 10 минг 63 нафардан зиёд О'зЛиДеР аъзоси бўлиб, улар 562 та бошлангич ташкилот атрофида бирлашган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.


С.КУДАЙБЕРГЕНОВ,

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши бошлангич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари

Айни кунларда улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳақидаги маърузаси мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Кегейли маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган семинар ҳам айни шу мавзуда бўлди. Шу куни тумандаги «Аспантай» овул фуқаролар йиғинида янги бошлангич партия ташкилоти очилиб, етакчиликлари С.Наракеев сайланди. Шу тариқа Кегейли туман ҳудудидаги бошлангич партия ташкилотларининг сони 26 тага етди.

Семинарда, шунингдек, бир қатор партия фаолларига фахрий ёрлиқлар ҳам топширилди.



... ОБУНА  
ДАВОМ ЭТМОҚДА



# Тадбиркорлар — жамиятимизнинг етакчи кучи

**УЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЭСА БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР**

2010 йилнинг декабрь ва жорий йилнинг январь ойлари мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўта муҳим воқеаларга бой бўлгани бежиз таъкидланмаяпти. Хусусан, Ўртбошимизнинг Бош қомусимиз қабул қилинганининг 18 йиллик тантаналарига бағишланган маросимдаги «Мамлакатимизни модернизация қилишни изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилidir» мавзуидаги маърузасида 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эса «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» илгари сурилди. 21 январь куни — Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим вазифаларига бағишланган мажлисида Ўртбошимиз «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзуида дастурий маъруза қилдилар.

Таъкидлаш жоиз: ана шу тадбирлар ва уларда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди. Айни пайтда жойларда ушбу вазифаларни атрофлича ўрганиш ва амалиётга жорий этишга бағишланган йиғилишлар, давра суҳбатлари ва ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

«XXI аср» ижтимоий-сиёсий газетаси ташаббуси билан ташкил этилган «Давра суҳбати»да билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам айнан ана шу масалалар хусусида кечди.



**Гулчехра ТУРСУНОВА,**  
Тошкент автомобиль транспорти  
ва йўллар институти проректори:

— Ўртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад ўрта синф — мулкдорлар қатлами ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини янада оширишдан иборатдир. Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши эса бу борадаги ишларни бутунлай янги босқичга кўтарди, деб ўйлайман. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг давомийлиги ва изчиллигининг ҳам самарасидир. Яна бир муҳим омил — халқимиз Ўртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт дастурларининг ҳаётийлиги ва умрбоқийлигини ўтган давр мобайнида чуқур англаб етди. Бу ҳақда сўз кетганда биргина жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва инқироздан кейинги даврда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини тилга олишнинг ўзи кифоя.

Унда асосий эътибор иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш орқали экспортбон маҳсулотлар турини кўпайтиришга қаратилдики, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш лозимлигини аниқлади. Негаки, бутун мазкур соҳа мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 53 фоизини ишлаб чиқармоқда.



**Дилшод ШОУМАРОВ,**  
«Dimak Metall Servis» МЧЖ таъсисчилар  
кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент  
шаҳар кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик  
гурухи аъзоси:

— Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидланганидек, кейинги ўн йилда иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб келаётгани натижасида тарихан қисқа бир даврда ялпи ички маҳсулот қарийб икки баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ўсди. Бу, биринчидан, мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар пухта ўйлангани ва босқичма-босқичлик тамойиллари асосида олиб борилаётгани, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилганининг амалий натижасидир. Ўрта қатлам фаолиятининг ривожланиши эса, ўз навбатида, бандлик масаласини ҳал этиш имконини берапти.

Бандлик масаласида, айниқас, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртиларини битириб чиқаётган ёшларни касбга йўналтириш олдимида турган энг муҳим вазифалардан бири, деб ўйлайман. Шу мақсадда жамиятимиз қошида ҳам бўлажак тадбиркорларни бизнес фаолиятига тайёрловчи марказ ташкил этилди. Бу ерда соҳанинг етакчи вакиллари ёш мутахассисларга бизнес-режалар тайёрлашдан бошлаб банк ва бошқа молия муассасалари, солиқ ва сугурта ташкилотлари билан ишлаш, хусусий тадбиркорликка тегишли қонунлар, фармон ва қарорлар, турли меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтиришмоқдалар. Бундан ташқари, Учтепа туманида 5 гектар ер майдонига эга саноат ҳудудини ишта туширдик. Бошловчи тадбиркорлар ўзаро шартнома асосида ушбу ҳудуддаги бино ва иншоотлардан фойдаланиб, ўз бизнесларини бошлашлари мумкин. Ўз соҳасини яхши ўрганган олий ва ўрта махсус маълумотли йигит-қизлар учун ҳам марказимиз эшиги ҳамиша очик. Улар энди жой масаласида турли идораларга мурожаат этиб, кўплан-кўп ҳужжатлар тайёрлашлари шарт эмас. Бу ишларнинг барчаси МЧЖ зиммасида. Бу масалада касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртилари билан ҳамкорлик алоқалари ўрна-тишга тайёриймиз.



**Музаффар АБДУЛЛАЕВ,**  
«Навбахорсавдо» МЧЖ раҳбари, халқ  
депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги  
О'зЛиДеР депутатлик гурухи аъзоси:

— Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда ёш мутахассисларни ишта жойлаштиришга жуда жиддий аҳамият қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бундан халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гурухи аъзолари ҳам тегишли ҳулосалар чиқариб олдилар. Масалани ҳокимлик ва бошқа мутасадди идоралар даражасида ўрганиб, чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Мажлисада таъкидланганидек, бу йил 450 минг нафар йигит-қиз касб-ҳунар коллежларини битиради. Бу яхши, албатта. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ўз соҳасини яхши эгаллаганими?

Бу саволни бежиз бераётганим йўқ. Чунки бизнинг МЧЖ фармация билан шуғулланади. Бу соҳа ўта нозик соҳа бўлиб, ўз касбини пухта билган мутахассисларига талаб этилади.

**Гулчехра ТУРСУНОВА:**

— Лекин олий маълумоти бўла туриб иш излаб юрган ёшлар ҳам борлигидан кўз юммаслигимиз керак.

**Музаффар АБДУЛЛАЕВ:**

— Яна бир қарра айтаман: иккитадан дипломи бўлган тақдирда ҳам агар ўз соҳасини яхши эгалламаган бўлса, тадбиркор ҳеч қачон уни ишта олмайди. Бу бизнеснинг олтин қондасидир.



**Зокиржон МУСАБЕКОВ,**

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар  
институти доценти, О'зЛиДеР бошланғич  
партия ташкилоти раиси:

— Биз ана шу кемтикни тўлдирish мақсадида институтимиздаги О'зЛиДеР бошланғич ташкилоти ташаббуси билан талабаларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрловчи «Бизнес-марказ» очдик. Бу ерда ўз келажакни бизнес билан боғлаш ниятидаги тингловчиларимизга институт профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда соҳага алоқадор идора ва ташкилотлар мутахассислари ҳам сабоқ бермоқдалар.



**Маҳмуд НАМОЗОВ,**

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ  
артисти, О'зЛиДеР аъзоси:

— Ўқув юртиларини битириб чиқаётган ёш мутахассислар ўз соҳасини нечоғли билиши ҳақиқатан ҳам муҳим масала. Музаффар ака айтганидек, ҳеч бир тадбиркор ўз касбини яхши билмаган одамни ишта олмайди. Шахсан бизнинг гуруҳимизда санъаткорлардан ташқари бевосита мураккаб электрон техника билан шуғулланувчи мутахассислар ҳам ишлашади. Масалан, айни пайтда бизга малакали овоз оператори керак. Консерваторияни битирган ёшлар билан учрашиб, талабимиз даражасидаги мутахассисни то-полмадик. Афсуски, бундай аҳвол бошқа ўқув юртиларида ҳам йўқ эмас.

Имкониятдан фойдаланиб, жойларда тадбиркорлик фаолиятига тўғонақ бўлаётган бюрократик тўсиқлар, қозғобозлик иллатидан қутулишимиз жуда қийин кечаётгани ҳақида гапирмоқчи эдим. Орамизда қозғоб билан яшаб, қозғоб билан нафас олаётган раҳбарлар, афсуски, ҳамон учраб турибди. Санъатсевар халқимиз, жумладан, жойлардаги мутасаддилар ҳам бизни ҳамиша ёруғ юз билан кутиб олишади. Аммо пойтахтни қўятуринг, ҳатто сурхондарёлик дўстларим таклифи билан ўзим туғилиб ўсган жойда биттагина кичик гишт заводи очилишини улдасидан чиқолмадим. Халқ артисти бўла туриб шунчалар тўсиқ, сансозликка учрасам, оддий одамлар учун бизнес фаолиятини бошлаб олиш нечоғли муаммо эканини тасаввур этиш қийин эмас.

**Мухбир:**

— Агар маҳаллий ҳокимликлар қишлоқ жойларда инфраструктура яратиб беришни ўз зиммаларига олсалар, етарли маблағи бор кишилар чекка ҳудудларда ўз корхоналарини очилари мумкинми?

— Албатта. Агар ташаббус бевосита жойлардаги раҳбарлардан чиқса, нур устига нур бўлар эди.



**Фароғат ЭРГАШЕВА,**

Миробод туман Бандликка қўмаклашиш  
маркази мутахассиси:

— Асли Бухорода туғилиб ўсганман. Ёшлигимдан оқ зардўзликка қизиқиб, ўқувчилик, ҳатто талабалик кезларимда ҳам ушбу ҳунар сир-асорини ўрганиш билан астойдил шуғулландим. Кейинчалик бу иш оилавий машғулотга айланди. Айни пайтда ўзим ва уч ўғлим ҳунармандлик билан ҳам шуғулланамиз. Иш жойимда ҳам бевосита уста-шогирд йўналишига маъсулман. Миробод туманидаги 154-умумтаълим мактабида алоҳида курс очдим. Туман Бандликка қўмаклашиш марказига иш сўраб келганларни ҳам ушбу касбга жалб этапман. Ўтган йили ҳар ойда 3 нафар шогирд тайёрлагандим. Бу йил улар сони 5 нафарга етди. Улар зардўзлик сир-асорини эгаллаб олганларидан сўнг ўз уйларида ишлаб, яхши даромад олишяпти. Ўзим эса мунтазам равишда улардан хабар олиб, маҳсулотларига харидор топишда қўмак берапман.

«Давра суҳбати»да, шунингдек, ёшларни, хусусан, бу йил ўқини битираётган йигит-қизлар учун янги иш ўринлари яратишга онд турли фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди. Имкониятдан фойдаланиб, тахририятта ташир бу юрган, ўз тажрибалари, таклифлари билан ўртоқлашган партиядошларимизга миннатдорлик билдириб қоламиз.

Темур АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.



## Аёл бахтиёрми, демак, юрт фаровон

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА О'ЗЛИДЕР АЪЗОЛАРИ ОРАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР СОНИ ҚАРИЙБ 4000 МИНГ НАФАРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. БУ КЎРСАТКИЧ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИДАГИГА НИСБАТАН 150 НАФАРДАН КЎП БЎЛИБ, ҲУДУДДА ПАРТИЯНИНГ ҲОЯ ВА МАҚСАДЛАРИ АЁЛЛАР ТОМОНИДАН КЎПРОҚ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАЁТГАНИНИ КЎРСАТАДИ**

**Нарғиза ҚАХҲОРОВА,**  
«XXI ASR»

— Аъзоларимизнинг аксарияти олий маълумотли мутахассислардир, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаолигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудир Амина Қаландарова. — Уларнинг қарийб 700 нафари тадбиркор ва фермер экани ҳам партия Дастуридан ўрин олган масалаларга жиддий эътибор қаратилаётганидан далolat. Тадбиркор аёллар ўзлари яшаб турган ҳудудларда опа-сингиллари-мизни иш билан таъминлашга, уларга ўз бизнесини йўлга қўйишга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Хусусан, Чимбой туманидаги «Нуримова Жамила» хусусий корхонаси раҳбари Жамила Нуримова қандолатчилик дехи очиб, 15 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

Нукус шаҳридаги ташаббускор хотин-қизларнинг 48 нафари эса партия бошланғич ташкилотларига етакчилик қилмоқда.

— Нукус шаҳрида мингдан ортиқ О'зЛиДеР аъзоси бўлса, уларнинг 400 нафардан ортигини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди Нукус шаҳар «Аёллар қаноти» гуруҳи раҳбари Гулистон Давлетова. — Улар депутат, тадбиркор, маҳалла раиси, тиббиёт ходимлари. Ана шундай фаолларимиздан бири «Нагметова Наргул» фирмаси раҳбари Наргул Нагметова миллий ва замонавий йўналишдаги тикув цехини

ташкил этиб, хотин-қизларимиз учун 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратди.

Таъкидлаш жоиз: О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг «Аёллар қаноти» бўлими кўмағида 2010 йилда 111 та янги иш ўрни яратилган. О'зЛиДеР аъзоси, «Аёзқалта тур» хусусий корхонаси раҳбари Дилбар Каримбердиева ҳам ўзи ташкил этган «Аёзқалта» тарихий музейи атрофида сайёҳлар учун барча қўлайликларга эга шинам меҳмонхонани ишта тушириш арафасида.

— Мустақиллик туғайли мамлакатимизда ҳар бир инсон эркин меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан бемалол шуғулланиш ва ўз меҳнатига яраша даромад топиш имкониятига эга бўлди. Ўртбошимизнинг Қорақалпоғистонда сафарлари чоғида айтган бу сўзлари мени бефарқ қолдирмади, — дейди Дилбар Каримбердиева. — Уларнинг Кегейлида қорақалпоғистонлик оналарга, аёлларга алоҳида эҳтиром кўрсатиб, она бахтли бўлса, оила бахтли, она бахтиёр яшаса, мамлакат фаровон бўлишини ўқитганларида шундай жамиятнинг аёли эканимдан фахрланиб кетдим.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистонда изланувчан тадбиркорлар, мамлакат келажак учун ўзини масъул деб билганлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай опа-сингилларимизнинг О'зЛиДеР гоёлари асосида ҳамфикр ва қўмақдош бўлаётганлари эса кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятидан далolatдир.

## «МТС»ЧИЛАР СОНИ 9 МИЛЛИОНГА ЕТДИ

Мамлакатимизнинг энг йирик уяли алоқа оператори — «МТС-Ўзбекистон» компанияси матбуот хизматидан хабар қилинишича, 2009 йил декабридан 2010 йил декабрга қадар компания абонентлари сони қарийб 22 фойз кўпайган. 2011 йил февралга келиб эса 9 миллиондан ошиб кетган.

— Сўнгги ярим йил ичида МТСнинг Ўзбекистондаги абонентлар базаси бир миллионга ортиди. Бу эса мамлакат аҳолисининг тахминан учдан бир қисми алоқа оператори сифатида МТСни танлаган, деганидир, — дейди «МТС-Зарубежные компании» бизнес-бирлиги директори Олег Распалов. — Шу боис 2011 йилни яхши қийфийат билан бошладик. Айни пайтдаги мақсадимиз республика ҳудудида ишта туширилган 3G ҳамда 4G тизимларини такомиллаштириш, компания бўлиmlаридаги хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ва бу орқали мижозлар сонини янада кўпайтиришдан иборат.



## ЎНИНЧИДА — ЎН МИНГ ТОННА

Ўтган 2010 йилда балиқчилик ҳўжаликлари ва корхоналар томонидан аҳоли дастурхонига қарийб 10 минг тонна балиқ маҳсулотлари етказиб берилди. Бу 2009 йилга нисбатан 600 тонна кўп, демасдик.

Ўзбекистон экологик ҳаракати матбуот хизматидан хабар қилинишича, шу соҳа билан шуғулланувчи корхона ва фермерларни турли хилдаги балиқчилик асбоб-ускуналари ҳамда техника воситалари билан таъминлаш мақсадида қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастурига кўра, Самарқанддаги «Стеклопластик» корхонасида сунъий балиқ ҳовузлири ишлаб чиқарилаётган бўлса, Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан «Самавто» заводи билан бирга тирик билиқларни ташийдиган махсус автомобиль русуми ишлаб чиқарила бошланди. Балиқчиликни ривожлантириш республика илмий-тадқиқот маркази ходимлари томонидан эса балиқ турлари сонини кўпайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, хориждан ноёб балиқ турлари ҳам олиб келинди.

Энг муҳими эса соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар ва фермерларга жами 4 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилди.

Шухрат ХҲАЕВ тайёрлади.



# Янгича қарашлар ва янгича муносабатлар форуми



2011 йил «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИДАН СЎНГ РОППА-РОСА 54 КУН ЎТГАЧ, ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «DEDEMAN» МЕХМОНХОНАСИДА ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ



Акбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI ASR»

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда 150 дан зиёд йигит-қизлар иштирок этди. Шунингдек, анжуманда жамғарманинг ҳамкор ташкилотлари вакиллари, Буюк Британия, Япония, Германия ва Ҳиндистондан таширф бўлган мутахассислар ҳам қатнашдилар.

Янгича қарашлар ва муносабатларга бой бўлган форумда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” да янги авлод вакиллари тадбиркорлик бўйича билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда улар учун ўз биз-

несини йўлга қўйишда кенг имкониятлар яратиб бериш устувор вазифа экани қайд этилди. Бу боралда микро-кредит ташкилотлар, нуфузли банклар тегишли вазирлик ва давлат идоралари, таълим соҳаси ҳамда нолавлал ташкилотлар вакиллари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Айтиш жоизки, шу пайтгача “Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури” лойиҳасида жами 130 нафар йигит-қиз қатнашиб, уларнинг 32 фоизи тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. 14 фоизи эса бизнес мураббийи мақомига эришти. Айни пайтда лойиҳада қатнашганларнинг 19 фоизи юртимиздаги етакчи компанияларда фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга 11 фоиз ёш тадбиркор ўз бизнесини бошлаш арасида

турибди. Лойиҳа доирасида ёш тадбиркорлар учун ҳар уч ойда ўқув мактаблари ташкил этилаётти. Жорий йилдаги қишқи мактабда қатнашиш учун ўтказилган танловда 200 нафардан ортиқ йигит-қизлар иштирок этган бўлса, уларнинг 30 нафари саралаб олинди. Бир ҳафта давом этган машғулотлар давомида тингловчиларга иқтисодчи олимлар, молия соҳасининг етакчи мутахассислари, экспертлар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш, бизнес психологияси, профессионал малака ва кўникмани ривожлантириш, бизнес-режани амалиётга татбиқ этиш борасида назарий ва амалий сабоқлар бердилар. Шу ўринда ўтган йилнинг ноябрь ойида ўтказилган Ёшлар форуми доирасида лойиҳанинг 10 нафар битирувчиси умумий ҳисобда 10 миллион сўмлик грантларни қўлга киритганлиги, ғолибларнинг уч нафари хорижда малака ошириб қайтганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, дастур доирасида ўз ишини энди бошлаётган ёш тадбиркорлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш, уларнинг малакаларини мунотазам равишда ошириб бориш мақсадида бизнес-клуб ҳам ташкил этилди.

Форумда, шунингдек, тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш ва бизнесни сугурталаш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман доирасида Ёшларни иш билан таъминлашга қўмаклашши маркази фаолияти тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Бунда, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш асосий масала эканлигига эътибор қаратилди.



## «Туронбанк» — тадбиркорлар томонида



ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT «ТУРОНБАНК»НИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ БУГУН 1148 МИЖОЗГА ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА. УЛАР ОРАСИДА САНОАТ, ҚУРИЛИШ, АГРАР ТАРМОҚ, САВДО ВА ТРАНСПОРТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИССА ҚўШАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАЯПТИ

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
«XXI ASR»

Мазкур молия муассасасининг 2010 йилда жами кредит қўйилмалари 4 млрд. 510 млн. 598 минг сўмдан ортиқни ташкил қилди.

— Ўтган йили 2 млрд. 543 млн. сўмлик факторинг хизматлари ҳам кўрсатдик, — дейди филиал бошқарувчиси А.Уролов. — Самарқандлик эса 5 млрд. 86 млн. сўмга етди. Ажратилган кредитларнинг асосий қисми кичик бизнес субъектларига берилганини қайд этиш лозим. Бу соҳага 1 млрд. 272 млн. 300 минг сўм миқдорига қисқа ва 1 млрд. 337 млн. 700 минг сўмлик узоқ муддатли кредитлар берилди. Улар асосида 200 нафарга яқин ҳамюртимиз иш билан таъмин-

лангани бизни низоҳатда қувонтиради.

Банк томонидан берилётган молиявий қўмақ қурилиш ташкилотлари фаолиятида ҳам самарадорликни оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, «Саммелиосувқурилиш» корпорацияси ҳар йили банкдан турли миқдорда молиявий ёрдам олиб, бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда.

— Ўтган йили 1 млрд. сўм миқдорига кредит олган эдик, — дейди мазкур корпорация раиси Н.Султонов. — Бу маблагга 7 та бино ва иншоот қурилиб, шундан 5 таси фойдаланишга топширилди. Пастдарғом туманидаги Ёшлар маркази, Қўшработ туманидаги Урганчи маиший-сервис коллежи шулар жумласидандир. Қўшработ туманида 17,9 млн. куб сифимли «Ах-чобсой», Ургут туманида 14,4

млн. куб сифимли «Камонгорон» сув омборлари қурилиши давом эттирилмоқда.

Банкнинг доимий миждола-ридан саналган қурилиш материаллари комбинати ҳам 2010 йилда бир неча жамоат ва саноат биноларини бунёд этди. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги 35-умумтаълим мактабининг спорт зали, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти қошидаги академик лицей биноси, Пастдарғом тумани Жума шаҳрида қуриб битказилган тикувчилик цехи ҳам айнан «Туронбанк»нинг Самарқанд филиали кредитлари эвазига бунёд этилди. Ургут шаҳридаги гилам тўқиш заводи биноси эса тўлиқ қайта таъмирланди. Бу эса банкларнинг иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётганларидан далолатдир.

## ТИББИЁТ

### Эзгу ният йўлида

ИНСОН УЧУН СОҒЛИКДАН ОРТИҚРОҚ БОЙЛИК ЙЎҚ. ШУНИНГ УЧУН БЎЛСА КЕРАК, ТАНАМИЗДА БИРОР ОҒРИҚ СЕЗСАК, ДАРҲОЛ ШИФОКОР ҲУЗУРИГА ШОШАМИЗ. УЛАРИНГ БУ БОРАДАГИ МАСЛАҲАТЛАРИГА ҚУЛОҚ TUTАМИЗ

Фирдавсий  
ЖАББОРОВ

...Тўсатдан Сўяр ака-нининг юраги безовта қила бошлади. Ўзини ўзи парвар-иш қилишга ўрганган, соғлом турмуш тарзи-га амал қилаётган, тонгги ба-дантарбияга одатланган инсонни бу ҳолат ташвишга солди. Уни Касби туман тиббиёт бирлашмаси неврология бўлими бошлиғи Жононқул Раҳимов текши-риб, ташхис қўйди. Ке-ракли дори-дармонлар рўйхатини қўлга тутқаз-ди. Бемор кўрсатма бўй-ича даволаниб, дардан халос бўлди. Яна ишига қайтди.

Бу воқеани эшитгач, менда Жононқул Раҳимовдек шифокор билан учрашиб, суҳбатлашиш истаги туғилди. У киши билан суҳбатимиз маз-мунли ўтди.

— Касб қандай танла-нади? Инсоннинг бирор соҳага қизиқиши учун оиласида ана шу фаоли-ят билан шуғулланувчи мутахассислар бўлиши шартми?

— Йўқ. Касб танлаш учун биринчи навбатда

унга меҳр бериши, ўзи-нинг келажагини, тақди-рини кўра олиши лозим. Бундан анча йиллар ол-дин отам қаттиқ касал бўлиб қолди. У киши-ни даволаш учун елиб-югураётган шифокорлар-ни кўриб мен ҳам бемор-лар дардига дармон ула-шай, деган мақсадда шу касбни танлаганман, — дейди Ж.Раҳимов. — Бу-нинг учун барча қи-йинчиликларга, синов-ларга чидадим. Аввалига уч йил Самарқанд тибби-ёт институтига ўқишга ҳужжат топшириб, кира олмадим. Умидимни сўндирмадим. Бешинчи бор уринишда имтиҳон-лардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдим. Ўқиш давомида юрак ка-салликларини орттириб олиш мумкин. Энг ачи-нарлиси, бугунги кунда ёш болалар орасида ҳам асаб хасталиклари билан оғриган беморлар кўп-лаб учрамоқда. Бунга эса тек-

никанинг ривожланиши-ни ва ёшига нисбатан бо-лаларнинг ундан эрта фойдаланиши сабаб бўлмоқда. Турли мавзу-лардаги кино, дахшлати воқеаларга бой компью-тер ўйинлари таъсирига тушиб орқали ҳам асаб касалликлари келиб чи-қади.

